(?– 1933-йил, Кривой Рог шахри, Украина)
(1918-1920)

Хива хони, кўнгиротлардан. Ферузнинг ўгли. Укаси Асфандиёрхон суикасд натижасида ўлдирилгач, Жунаидхон томонидан Хивага хон килиб кўтарилган (1918-йил 3-октабр). Саид Абдуллахон жисмоний жихатдан заиф ва иродасиз бўлиб, Хива хонлигидаги барча ишларни амалда ясовулбоши Давлатмурод махрам оркали Жунаидхон бошкарган. Жунаидхон ўз кишилари: Чорикбой (Тошховуз), Сафар Депмечи (Иляли), Килич Кора (Порсу), Гоклан бола (Мангит), Анна Гелдибек (Тахта), Халил Махсум (Урганч), Шихим Сулгун (Хива)ларни хоким килиб тайинлаган.
Хива хонлиги кизил аскарлар томонидан босиб олингач, Саид Абдуллахон тахтдан воз кечишга мажбур бўлди (1920-йил 2-феврал) ва илтимосига кўра, у Хивада колдирилган. Бирок, Хивадаги Мухаммад Аминхон мадрасасида козикалон Иброхим Охун бошчилигида бўлган уламоларнинг кизил аскарларга карши кўтарган исёни (1920-йил 23-июн)дан кейин, бу исёнга хеч кандай алокаси бўлмаса хам Саид Абдуллахон ва унинг харами, якин кариндошлари, 10 тўра хамда Хикматилла Охун (козиаскар), Обид Охун ва бошкалар Хоразм Халк Совет Республикаси (ХХСР)дан бадарга килинган (1920-йил ёзи). Дастлаб Москвадаги Лубянка - 2; Новоспасск, Иваново монастирларидаги камокхоналарга ташланган. 1923-йилда Саид Абдуллахон ва унинг авлодлари Украинанинг Екатеринослав губернясига сургун килинган. У сургунликда 10 йил яшаган. Сўнгра касалланиб, вафот этган. Хоразмлик адиб Кўзи Дават Саид Абдуллахон хакида “Хусумат” (Нукус, 2001) тарихий романини ёзган.